

А.Таджиев, Х.Худайбергенов

ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШ АСОСИДА ҚОВУН ЕТИШТИРИШ

(Услубий қўлланма)



XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI



9 789943 605398

А.Таджиев, X.Худайбергенов

**ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШ АСОСИДА
ҚОВУН ЕТИШТИРИШ**

(Услубий қўлланма)

Хива-2020 й

42.347

Т 14

Таджиев, А.

Томчилатиб сугориш асосида қовун етиштириш [услубий қўлланма] : / А.Таджиев, X.Худайбергенов. - Хива : Хоразм Маъмун академияси, 2020. – 16 б.

КБК 42.347

УДК 635.61:631.674.6

Услубий қўлланма Урганч давлат университети Кимёвий технологиялар факультети “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаши ва дастлабки қайта ишлаши ҳамда биотехнология” кафедрасида тайёрланган бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 11 ноябрдаги Хоразм вилояти Шовот туманида вилоят депутатлари ва фаоллари билан учрашувида белгиланган асосий устувор вазифалар ҳамда 2017 йилда “Хоразм вилоятини ижтимоий иқтисодий ривожлантириши” Даствурида белгиланган асосий вазифалардан устувор мақсад қилиб олинган.

Услубий қўлланма сабзавот ва полиз экинлари етиштирувчи дехқон ва фермер хўжаликлари, аҳоли шахсий томорқасида полиз маҳсулотлари етиштириши билан шугулланувчи қизиқувчи мутахассислар ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасидаги қишлоқ хўжалигига йўналтирилган бакалавриат ва магистратура талабалари, қишлоқ хўжалиги техникуми талабалари ҳамда қишлоқ хўжалигига қизиқувчи кенг оммага мўлжалланган.

Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириши йилига бағишиланади!

Муаллиф:

А.Ю.Таджиев – “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш ҳамда биотехнология” кафедраси доценти, биология фанлари номзоди

Х.Худайбергенов - “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш ҳамда биотехнология” кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар:

К.Дурдиев – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш ҳамда биотехнология кафедраси доценти, к/х.ф.н.

П.Камолов – УрДУ, Тупроқшунослик кафедраси мудири, к/х.ф.н., доцент

Уибу услубий тавсиянома Урганч давлат университети Кенгашининг 2020 йил 24-апрелдаги № 4-сонли баённомаси қарорлари билан нашр этиши учун рухсат берилган.

ISBN - 978-9943-6053-9-8

© А.Таджиев, X.Худайбергенов. Томчилатиб сугориш асосида қовун етиштириш, 2020 й.

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2020 й.

МУНДАРИЖА

1	Қовун	4
2	Тупроқ	5
3	Үтмишдошлар	5
4	Тупроққа асосий ишлов бериш	5
5	Тупроққа баҳорги ишлов бериш	6
6	Кўчат ўстириш	6
7	Экиш ва кўчатларни кўчириб ўтказиш	8
8	Ўғитлаш	8
9	Ўсимликларни парваришилаш	9
10	Бегона ўт, касаллик ва зааркунандалар тарқалишини назорат қилиш тизими	10
11	Ҳосилни йиғишириб олиш	11
12	Қовун етиширишда агротадбирлар харитаси Фойдаланилган адабиётлар	12 15

ҚОВУН

Қовун (*Cucumis melo* L.) ўсимлиги *Cucumis* L. авлоди, Қовоқдышлар (*Cucurbitaceae* Juss.) оиласига мансуб ўсимлик хисобланади. *Cucumis* авлоди 40 га яқин турни ўз ичига қамраб олиб шулардан фақат қовун ва бодринг инсоният томонидан кўпайтирилиб фойдаланиб келмоқда. Қовун ўсимлигининг илдиз тизими яхши тараққий этган. У асосан бош илдиз ва ён тармоқланган узун илдизчалардан ташкил топган. Ўсимликнинг бош илдиз тармоғи тупроқнинг 1,0 метрдан ортиқ чукурлигигача, биринчи тартиб ён илдизчалар эса 2-3 мертгача тупроқ қатламига етиб олади. Яхши ўсиб-ривожланган қовун ўсимлигининг илдиз тармоғи 0-30 см тупроқ ҳайдалма қатламида 32 метргача етади. Аммо, ўсимлик илдиз тизимининг яхши ривожланиша кўп жиҳатдан тупроқ типи, тупроққа агротехник ишлов бериш, озиқлантириш, сугориш ва бошқа омилларга бевосита боғлиқ.

Ривожланиш давларига кўра қовун тезпишар (59-70 кун), ўрта эртапишар (71-80 кун), ўртапишар (81-90 кун), ўрта кечпишар (91-100 кун) ва кечпишар (101-120 кун) хилларига бўлинади.

Қовун сувни бир текис истеъмол қилувчи ўсимликлар тоифасига кирмайди. Асосан вегетация даврининг кучли равища ўсиш даври яъни вегетатив ва генератив органларининг ривожланиш давларида сувни кўп талаб қиласди. Бу давлардаги сувнинг анқислиги хксилдорликнинг пасайишига олиб келади. Меванинг шаклланиши тугаши билан сувни истемол қилиш муддати ҳам пасаяди.

Ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши учун қулай шарт-шароит асосан тупроқ намлиги 70-75% кам бўлмаган даврга тўғри келади. Тупроқ

намлигига қўп талаб бўлувчи даврлар асосан уругларнинг ўниб чиқиши ва мева ҳосил бўлишининг дастлабки даврларига тўғри келади. Узоқ муддат мабойнида сув танқислиги ва нам етишмаслиги уруғланиш муддатининг кечикишига ва тугунчалар тушиб кетишига сабаб бўлади.

ТУПРОҚ

Сув-ҳаво алмашиниша яхши бўлган барча тупроқ типларида шунингдек, таркиби яхши, сув ўтказиш хусусияти юқори, тупроқнинг pH қўрсаткичи 6,5-7,0 бўлган қумоқ ва қумли тупроқларда ҳам қовун етиштириш мумкин. Ер ости сувлари яқин жойлашган, намлик миқдори жуда юқори ва гилли тупроқлар қрвун ўстиришга нокулай бўлади.

ЎТМИШДОШЛАР

Қовун учун энг яхши ўтмишдош экинларга кузги буғдой, қўп йиллик дуккакли ўтлар, ерёнғоқ, помидор, этаги картошка, карам ва бошқа полиз экинлари мос келади. Қовоқдошлар оиласига мансуб ўсимликлар тўғри келмайди. Қовунни икки йилдан ортиқ ва узоқ муддат бир майдонда экиш тавсия этилмайди. Чунки бунда ўсимликнинг касаллик ва зааркунандалар билан касалланиши, ҳосилдорликнинг бирдан пасайиб кетиши ҳолатлари кузатилади.

ТУПРОҚКА АСОСИЙ ИШЛОВ БЕРИШ

Экиладиган дала майдонларнинг шўрини 2-4 марта ювиш ва шу орқали тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш энг муҳим

агротехник тадбир хисобланади. Чунки қовун ўсимлиги шўрга чидамли ўсимликлар қаторига кирмайди.

Қовун экилган далалар тупроғига асосий ишлов бериш ишлари асосан тупроқнинг сув-ҳаво алманинишини яхшилаш, озиқа моддалар алманинишини яхшилаш ва уларни ўсимликка юқори ўзлаштириладиган формада етказиб бериш ҳамда бегона ўтларга қарши самарали курашиш ишларини ташкил қилишдан иборат.

Ўтмишдош экинни йиғишириб олгандан кейин қисқа фурсат ичиди дискали борона билан 8-10 см чуқурликда тупроққа ишлов бериш ишларини юқори савияда ўтказиш талаб этилади.

ТУПРОҚҚА БАҲОРГИ ИШЛОВ БЕРИШ

Суғориладиган тупроқларда тупроққа баҳорги ишлов бериш ишлари асосан тупроқни бороналаш ва 2 маротаба культивация ишларини амалга ошириш талаб этилади: биринчиси 14-16 см чуқурликда, иккинчиси эса кучатга 6-8 см зонада амалга шириш мақсадга мувофиқ.

КЎЧАТ ЎСТИРИШ

Қовун уруғларини тувакча ёки кассеталарга экишда уруғ экиш муддатини назорат қилиш лозим бўлади чунки, тувакча ва кассеталардаги ёш ниҳоллар 20-25 кунлик максимал 30 кунлик бўлиши талаб этилади. Шу ёш оралиғидаги ёш ниҳолларнинг тупроққа мослашиши юқори даражада бўлади. Ниҳолларнинг ёшини аниқлашда

урұғ әкилгән күндан бошлаб инобатта олиш керак әмас, уруғлар униб чиққан күндан бошлаб инобатта олинади.

Етиштирилған құчаттарни очық далага күчириб ўтқазища об-хаво ва тупроқ ҳароратига қараң лозим. Одатда тупроқ ҳарорати 14-16 °C бўлганда яхши натижа беради. Бошқа қовоқдош әкинлар қатори қовун ўсимлиги ҳам ниҳолларни күчириб ўтқазиши яхши қабул қилмайди. Шунинг учун қовун ниҳолларини пикеровкасиз 8-10 см ли тувакчаларда ҳамда $68 \times 68 \times 78$, $65 \times 65 \times 65$ мм ва ҳ.к кассеталарда әкиш тавсия этилади.

Ниҳолларни әкиш учун катта сифимли идишга торфли субстрат ёки қўлбола усулда тайёрланган қуйидаги аралашма: 5 қисм тупроқ, 4 қисм чиринди ва 1 қисм қум аралашмаси; 2 қисм чиринди, 2 қисм торф ва 1 қисм тупроқ аралашмалари ишлатилади. 1 тонна аралашма субстрат учун 1,5-2,0 кг калий тузи, 2-3 кг аммиакли селитра ва 10-12 кг суперфосфат аралаштирилади. Сўнгра, тувакчалар ёки кассеталар 2/3 хажмгача аралашма билан тўлдирилади ва 2-4 см чуқурликка қовун уруғлари экилади ҳамда илиқ сув билан сугорилади.

Иссиқхонадаги хаво ҳароратини 28-30 ° С ушлаб турилади ва уруғлар униб чиққандан кейин аста-секин ҳароратни 16-18 ° С туширилади. Бунга асосий сабаблардан бири, ниҳолнинг тез бўйига ўсиб кетиши олди олинади ва доимий равишда очық дала шароитига мослаштириб ва чиниқтириб борилади. Иссиқхона ичидағи ҳавонинг нисбий намлиги 60-70% бўлиши талаб этилади. Ниҳолларни очық далага күчириб ўтқазища қовун ўсимлиги ниҳолида 3-4 та хақиқий барг пайдо бўлган бўлса тўлиқ күчириб ўтқазишига тайёр хисобланади. Кўчириб ўтқазишига 4-5 кун қолганда ниҳолларни чиниқтириш, ҳаво айланишини

тезлаштириш лозим бўлади. Аммо, елвизак (шамоллатиш) ва ҳароратни бирдан ошириш ва тушириб юбориш ярамайди. Бунда ниҳоллар касалланади ва нимжон бўлиб қолади. Ниҳолларни кўчириб ўтқазишдар олдин уларни суғориш керак.

ЭКИШ ВА КЎЧАТЛАРНИ КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИШ

Қовун ўсимлигининг озиқланиш майдони 1-2 м² атрофида бўлиб бунда 1 гектар дала майдонида 5-10 минг туп ўсимлик бўлади. Ўсимликнинг кўчат қалинлигини назорат этиш ва уни мақбуллаштириш хосил сифатига самарали таъсир этади. Бу кўрсаткичлар тупроқ унумдорлиги, нав ёки гибриднинг қанчалик даражада пишиб этилиш гурухи кўрсаткичлари билан боғлиқ.

Ўсимликни экиш ёки кўчатларни кўчириб ўтқазиш қатор кўринишида (210×45 -50 см; 210×70 ; 280×35 , 280×55 ; 280×70 , 350×40 -45, 350×55 -60 см и др.) ёки қўш қатор лента кўринишида: ($240 + 40 \times 110$ см; ($240 + 40 \times 140$; ($310 + 40 \times 85$; ($310 + 40 \times 100$; ($310 + 40 \times 115$ см и х.к.

ЎҒИТЛАШ

Қовун тупроқ унумдорлигига жуда талабчан бўлиб асосан азот ва фосфорли ўғитлар талаб қиласди. Минерал ўғитларнинг меъёрларини тупроқдаги минерал элементлар миқдорига боғлиқ равишда қўллаш тавсия этилади. Ўсимлик гектарига 40 т/га хосилдорлик кўрсаткичидаги ўсимлик ўзи билан қвыйидагича элементларни олиб чиқиб кетади: N - 70 кг, P₂O₅ - 55 кг, K₂O - 100 кг, MgO - 30 кг.

Ўғитлардан самарали фойдаланиш коэффициенти уларни бўлинган ҳолда қўллаганда ортади. Азотли ўғитларни бутун вегетация даври мабойнида озиқлантириш орқали қўллаш ҳосилдорликни оширади аммо, пишиб етилиш муддатини ўзайтириб юборади. Қовун таркибидаги қанд моддаларининг юқори микдорда тўпланиши ва таъм сифат кўрсаткичларини яхши бўлиши учун азотли ўғитларни эртаги вегетация муддатларида бериш тавсия этилади.

Шунинг учун азотли ўғиларни қўллашнинг оптимал варианлари этиб экишдан олдин қўллаш гуллаш пайтида чангланишнинг меъёрида ўталишини самарали ўтишга олиб келади.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Қовун ўсимлигини парваришлаш асосан қатор ораларини 3-4 марта ишлов бериш ҳамда қўл меҳнати ёрдамида 2-3 маротаба чопик қилишни талаб этади. Бунда ўсимликнинг поясива меваларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва уларни заарлаб қўймаслик лозим. Қовунни томчилатиб суғоришда оптимал тупроқ намлигига эътибор бериш лозим ва бунда тупроқ ҳамда ўсимлик талабаини инобатга олиш шарт. Шу билан бирга ўсимликни парваришлаш жараёнида уларнинг касаллик ва зааркундалар билан заарланганлигини ҳам мониторнинг қилиш ва зарур ҳолда биологик ва кимёвий препаратлар билан ишлоб бериш тавися этилади.

БЕГОНА ЎТ, КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАР ТАРҚАЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

Ўсимликларни уйғунлашган химоя қилиш асосида бегона ўтлар, касаллик ва зааркунандаларнинг системали тарқалишини олдини олиш чора-тадбирлари, оптималь агротехник, биологик, иммунологик ва кимёвий усулларни қўллаган ҳолда бегона ўтлар, касаллик ва зааркунандалар тақалишини олдини олиш ва уларни йўқотиш ҳамда табиий фойдали организмларни сақлаб қолиш назарда тутилади.

Қовун экишда фитосанитар ҳолат ва илмий асосланган дехқончилик тизимига риоя қилиш мақсадга мувофиқ.

Бунда қуидагилар инобатга олиш зарур:

Касаллик ва заракунандаларга чидамли нав ва гибридларни экиш

Дала шароитида заарарли организмларнинг тизимли мониторингини олиб бориш

Касаллик ва зааркунандалардан химоялаш мақсадида такрорий экишни олдини олиш

Юқори сифатли, яхши тозаланган, танланган ва кимёвий ишлов берилган

Экиш муддатига (кўчириб ўтқазиш) ва меъёрига амал қилиш

Қовун ўсимлигининг асосий замбуруғли касаллиги - пероноспороз, антрокноз, ун-шудринг, қора чириш, фузариоз сўлиш, бактериал касалликлар – қаватли ва гулли бактериоз, барг ва меваларининг доғланиш касаллиги шулар жумласидандир. Энг кўп тарқалган қовун касалликлари ва зааркунандаларига қовун пашшаси, ўргимчаккан, боғ бити, трипс, клоп киради. Бу касаллик ва зааркунандаларга қарши

кимёвий препаратларни вегетация муддатига қараб қўллаш лозим бўлади.

ҲОСИЛНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ

Техник пишиб етилиш даврида қовун меваларини танлаган ҳолда, уларнинг ранги, таъми, ҳиди, болдоғининг қуриганлиги ва х.к кўринишларига қараб йиғишириб олинади. Қовун сифати ДСТУ 7036: 2009 «Дыня свежая. Технические условия » талабларига жавоб бериши лозим.

ҚОВУН ЕТИШТИРИШДА АГРОТАДБИРЛАР ХАРИТАСИ

№	Иш номи	изөх
Тупроққа асосий ишлов бериш		
1	Үтмишдош экин экилгандала майдонини дискали борона билан хайдаш	МТЗ-82+БДТ-3 (8-10 см чуқурликда)
2	Чуқур хайдаш	Т-150+ПЛН-5-35 (27-30 см чуқурликда)
3	Культивация	Т-70+КПС-4.0
Күчат бўлими		
4	Кўчат бўлимини назорат қилиш ва таъмирлаш	Кўл меҳнати асосида бажарилади.
5	Бўлимни дезинфекциялаш	Конструкция, инвентарлар ва кассеталарни Деконекс (20 мл/100 л) ишлов бериш
6	Субстрат тайёрлаш	Чиритилган маҳаллий гўнг+тупроқ аралашмаси
7	Кассеталарни тайёрлаш	кассета №60
8	Экиш	Уруғларни VitaZyme, “Ер-малҳами”, “Серҳосил”ёки “Фосфоробактерин” билан ишлов бериш. 2-3 см чуқурликда экилади
9	Экиш биопрепаратлар вақтида билан ишлов бериш	Ер малҳами+Серҳосил (ячейкаларга 2 мл препарат)
10	Озиқлантириш	Кўчатлар ҳосил бўлгандан кейин 5-8 кун ўтгач озиқлантирилади
11	Биопрепаратлар билан ишлов бериш	Ер малҳами + Серҳосил + Фосфоробактери
12	Озиқлантириш	Биринчи озиқлантиришдан 3-4 кун ўтиб Ер малҳами + Серҳосил билан ишлов бериш
13	Биопрепаратлар ишлов бериш	Ер малҳами + Серҳосил + Фосфоробактери, заруратга қараб Боверин, Битоксибацилин, Вертицилин билан ишлов бериш
14	Озиқлантириш	Кўчириб ўтқазишга 1 ҳафта қолганда – Аммиакли селитра (20г/10 л)
15	Биопрепаратлар ишлов бериш	Кўчириб ўтқазишдар олдин – Ер малҳами + Серҳосил + Фосфоробактери заруратга қараб Боверин, Битоксибациллин, Вертициллин ҳам

		қўшилади.
16	Илдиз ҳосил қилувчи стимуляторлар билан ишлов бериш	Ер малҳами + Серҳосил + Фосфоробактерин
Тупроққа экишдан олдин ишлов бериш		
17	Бороналаш икки марта	T-70+БЗСС-1+СП-9
18	Культивация	6-8 см чуқурликда МТЗ-82+КПС-4.0
Экишга тайёрлаш		
19	Томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш	Сув узатиш тармоқларини, томчилатиб суғориш ленталарини жойлаштириш.
20	Мульчалаш учун пленка тортиш	Эрта маҳсулот етиштириш учун
21	Тоннел ёпғичларни ўрнатиш	Қўл меҳнати ёрдамида экиш схемасига қараб ўрнатилади
Вегетация		
21	Кўчатларни кўчириб ўтқазиш	Қўл меҳнати ёрдамида бажарилади.
22	Суғориш	Кун оралатиб суғорилади, об-ҳаво шароитига қараб ҳар куни суғорилади.
Гуллаш даври бошида		
23	Озиқлантириш	Илдиз ҳосил бўлишини тезлаштириш учун Ер малҳами + Серҳосил + Фосфоробактери, Аммиакли селитра (4-12 кг/га) 4-7 кун даврий, шунингдек фосфорли ўғитни камайтириб азотли озиқлантиришни кўпайтириш талаб этилади.
24	Биопрепаратлар билан ишлов бериш	Ер малҳами + Серҳосил 2 марта 14-20 кун оралиғида ишлав бериш.
25	Ўсишли бошқарувчи моддалар билаш ишлов бериш	Серҳосил билан ишлов бериш.
26	Микроэлементлар билан ишлов бериш	Ер малҳами + Серҳосил билан ишов бериб, темир микроэлементи заруратга қараб берилади.
27	Касаллик ва зааркуннадалардан	Касалликларни олдини олиш учун – Ридомил Голд (2,5 кг/га), Топсин M (1,5 кг/га), Акробат

	химоя қилиш чоралари	(2 кг/га), Курзат (2,5 кг/га) – касалланиш даражаси ва босқичига қараб (нематодга қарши Маршал (0,6-1 л/га) ёки Диазинон (Базудин) – 1,5 л/га. Зааркунандаларга қарши: Нурел Д (1 л/га), Актара (0,06 кг/га), Карате (0,12 л/га), Актофит (юқори ҳароратда) + Козырь (1 л/га).
--	----------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Гуллаш-мева туғиши

28	Озиқлантириш	Ер малҳами + Серҳосил + Фосфоробактерин; гуллаш даврида фосфорли ўғит (1,5-5 кг/га) ва калийли ўғит.
29	Бипрепаратлар билан ишлов беріш	Ер малҳами + Серҳосил + Фосфоробактерин 14-20 кун оралиғида 2 марта ишлов беріш.
30	Микроэлементлар билан озиқлантириш	Бороплюс (1,5 л/га) ёки борли ўғит (1-3 л/га), Реаком ёки Реаком плюс В+Mg+S, Максикроп Завязь, Фолик N, Фолик Аминовигор.
31	Касаллик зааркунандалардан химоя қилиш ва	Антрокнозга қарши – Антракол (1,5 кг/га), Курзат (2,5 кг/га); Аскохитозга қарши – Мис хлорид 0,3%; Пероноспороз – Акробат (2,5 кг/га), Полирам (2 кг/га); Ун-шудрингга қарши – Топсин М (1,5 кг/га), Фалькон (0,6 л/га), Тиовит Джет (3 кг/га); Альтернариозга қарши – Танос 0,6 + Строби (0,6 кг+100 г/га); Зааркунандаларга қарши – Нурел Д (1 л/га), Актара (0,06 кг/га), Карате (0,12 л/га), Актофит (юқори ҳароратда).

Пишиш

32	Озиқлантириш	Калий селитра (7-9 кг/га) 3-7 кун оралатиб
33	Ўсишни бошқарувчи моддалари билан ишлов беріш	Ер малҳами + Серҳосил + Фосфоробактерин
34	Касаллик зааркунандалардан химоялаш ва	Контактли ва қисқа муддатда таъсир этувчи кимёвий препаратлар ва Актифит

Фойдаланилган адабиётлар

1. Балашев, Н. Н. Бахчеводство : учебное пособие. - 2 е изд. перераб. и доп. - Ташкент : Уқитувчи, 1976. – 148 с. : ил Экземпляры: всего:15 — ЧЗ-№ 1(1), УА-14(15)
2. Брытик, О. Сорта дыни // Овощеводство. - 2010. - № 12. - С. 22-24. Экземпляры: всего:1 - ЧЗ №1(1)
3. Брытик, О. Сорта и гибриды бахчевых культур // Овощеводство. - 2010. - № 9. - С. 38-39. Экземпляры: всего:1 - ЧЗ №1(1)
4. Брытик, О. Сорта и гибриды бахчевых культур // Овощеводство. - 2010. - № 8. - С. 67-69. : фото.цв. Экземпляры: всего:1 - ЧЗ №1(1)
5. Ванеян, С. Развитие орошения овощных и бахчевых культур в различных почвенно-климатических зонах России / С. Ванеян, Н. Меньших // Овощеводство и тепличное хозяйство. - 2014. - № 7. - С. 54-61. : табл.
6. Вендило, Г. Г. Удобрение овощных и бахчевых культур на приусадебном участке : справочник / Г. Г. Вендило, В. Н. Петриченко. - М. : Агропромиздат, 1990. - 159 с. Экземпляры: всего:5 - ХР(5)

А.Таджиев, X.Худайбергенов

**ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ АСОСИДА ҚОВУН
ЕТИШТИРИШ**

(Услубий қўлланма)

Мухаррир: Ш.Хасанов

Техник мухаррир: Ж.Шамуратов

Теришга берилди: 21.04.2020. Босишга руҳсат етилди: 24.04.2020
Хажми: 1 б.т. Адади: 50 нусха. Буюртма: № 37-т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими.

Хоразм Маъмун академияси кичик босмахонасида босилди.

Босмахона манзили: Хива шаҳри, Марказ-1.